

МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРИНИНГ ЎРНИ

О.О.Худоёров - ТДИУ доценти, PhD

Ш.О.Ғозоров - БФА тингловчиси

Анотация. Жаҳон амалиёти тасдиқлашича, бугунги кунда дунё мамлакатлари иқтисодий ривож ва халқаро интеграциясида инвестицион кредитлар муҳим ўрин эгалламоқда. Жаҳон амалиётида ривожланган давлатларда инвестицион кредитлаш борасида юксак ривожланиш ва бой тажрибаларга эришилганлиги Ўзбекистонда ҳам инвестицион кредитларга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бораётган бугунги кунда тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлаш тизимини такомиллаштириш зарурияти келтириб чиқармоқда.

Annotation. According to world practice, today investment loans occupy an important place in the economic development and international integration of the countries of the world. The high development and rich experience of investment lending in developed countries in world practice, the demand for investment loans in Uzbekistan is increasing day by day, today commercial banks need to improve the investment lending system.

Ҳозирги вақтда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни тижорат банклари фаолиятисиз, уларнинг молиявий кўмагисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Сабаби тижорат банклари инвестицион лойиҳа иштирокчилари ҳамда миқозларни кредит маблағлари билан таъминлаб, мамлакатда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда асосий роҳна вазифасини бажаради ва шу орқали, жамиятда умумий макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади.


Мамлакат иқтисодийнинг трансформация қилиш шароитида тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Тижорат банкларининг кредитлари ёрдамида иқтисодийнинг муҳим тармоқлари молиялаштирилмоқда, янгидан-янги инвестицион лойиҳалар барпо этилмоқда, аҳоли учун қўшимча иш жойлари шакллантирилмоқда ва янги маҳсулот турларини яратиш ишлари ривожлантирилмоқда.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. Инвестиция муҳити – бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи. Инвестиция муҳити энг аввало қуйидаги иқтисодий омиллар орқали белгиланади: табиий шарт-шароитлар, шу жумладан фойдали қазилмалар

захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими ҳамда товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг белгиланганлиги ва ҳ.к. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён қулай инвестиция муҳитини яратиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси уларнинг иқтисодий юксалишида фаол инвестиция сиёсати марказий ўринни эгаллашини тасдиқлайди. Шу боис Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадлари унинг инвестиция сиёсатида тўлиқ акс этирилишини тақозо этмоқда.

Тижорат банклари фаолиятининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги роли борасида Ш.Мирзиёев томонидан «Банк инвестиция фаолиятига ўз маблағлари билан бирга, ташқаридан молиялаштириш манбаларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак»¹ дея таъкидлангани ҳамда, Ўзбекистонда 2020 йилни «Илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш» деб эълон қилингани ва унинг Дастурида инвестицион лойиҳаларни мамлакатда ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг ривожланишини барча босқичларида инвестицион лойиҳаларни молиявий таъминлаш масалалари инобатга олинганлиги ушбу мавзунинг бугунги кундаги долзарблигини кўрсатади.



1-расм. Жаҳонда инвестицион лойиҳалар асосида фаолият кўрсатадиган корхоналар даражасининг банк кредитларига бўлган талаби, фоизда²

¹ Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий ривожланишининг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь. № 11 (6705).

² Манба: <http://www.worldbank.org/> - сайт маълумотлари

Жаҳон банки маълумотларига кўра, инвестицион лойиҳалар асосида фаолият кўрсатадиган корхоналарнинг банк кредитларига бўлган талаби ривожланаётган давлатларда бирмунча юқори ҳисобланади. Ривожланган давлатларда ўртача 40 фоиз корхоналарнинг кредит олишга эҳтиёжи мавжуд бўлса, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларига ушбу кўрсаткич 45 %дан 60 %гача бўлганлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга кредитлаш жараёнида гаров талаб этилиши ривожланган мамлакатларда ўртача 60 %дан юқори бўлса, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида ўртача 80 %дан юқорилигини кўрсатиш лозим (2-расм).

Юқоридаги давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда инвестицион лойиҳаларини кредитлаш аҳолининг турмуш даражасини ошириш, аҳоли бандлиги, уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш каби аниқ ижтимоий – иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилиши лозим. Дунё амалиётида синалган инвестицион кредитлашнинг тажрибасидан Ўзбекистон Республикасида ушбу йўналишдаги бозорнинг шаклланаётганлиги шароитида унинг ижобий томонларидан фойдаланиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олган Россия Федерациясининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштирилиши ўрганилганда мамлакатда, айнан инвестицион лойиҳа кредитларига бўлган талаб ва тақлифда катта номутаносиблик мавжудлиги аниқланди. 2013 йилда Россияда 30 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестицион лойиҳаларга кредитлар ажратилган, аммо талаб 50 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган. Маълумотларга кўра, ажратилган кредитларнинг 60% банкларга, 40% кредит ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади. Россияда бериладиган инвестицион лойиҳаларга кредитларнинг ўртача миқдори 45-50 минг. АҚШ долларини ташкил этиб, ўртача муддати 5-6 йилни ва ўртача фоиз ставкаси эса 4-5% ни ташкил этади. Россияда инвестицион лойиҳаларни кредитлаш жараёни, бу кредитларнинг миқдори 10 минг. АҚШ долларидадан бир неча млн. АҚШ долларига тенглигини, муддати 30-35 йилгача берилиши ва фоиз ставкаси 3-15% га тенглигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Барча мамлакатлардаги сингари Россия Федерациясида ҳам инвестицион лойиҳаларга имтиёзли кредитлар ажратилади ва кўп ҳолларда улар қишлоқ хўжалиги ва саноатда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчилардир.

Кредитларнинг самарадорлиги ҳақида сўз юритилганда, Россиядаги кўпгина кредит ташкилотларининг таваккалчилик портфели халқаро меъёрларга мос келади. Ҳар иккинчи кредит ташкилотининг муддати ўтган қарздорлиги 2,7 %дан ошмаган. Бундан ташқари кредит ташкилотлари жуда яхши рентабеллик билан фаолият кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич ўртача 127 %ни ташкил этмоқда.³

³ Манба: <https://dlib.eastview.com/browse/doc/34896577> - сайт маълумотлари

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ва тижорат банклари кредит қўйилмаларининг миқдори ва улуши

Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021
Ялпи ички маҳсулот (трлн. сўм)	302,5	406,6	511,8	580,2	734,6
Кредит қўйилмалари (трлн. сўм)	110,6	167,4	211,5	276,98	326,39
Ўзгариш фоизда	37	41	41	48	44

Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланиш ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, 2021 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 734,6 трлн. сўмни ташкил қилди ва 2017 йил билан қиёслаганда 2,42 баробар ўсишга эришилди. 2017-2021 йилларда, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ва тижорат банклари кредитларининг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 2017 йилга нисбатан 2021 йилда қарийиб 3 мартага ошган. Бундан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин, мамлакатда ҳақиқатан ҳам бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёйиб, пулга талаб ошмоқда ва бу кредит билан таъминланиш даражаси ошиб бораётганлигидан далолат беради. Аммо кредитларнинг ЯИМ нисбатан даражаси олдинги йилга қараганда бор йўғи 0,1 фоизга ошганлиги, деярли айтишимиз мумкинки ошмаганлиги бу мамлакатда реал секторга ажратилаётган кредитлар етарли даражада эмаслигини кўрсатиб турибди (1-жадвал).

Мустақилликка эришилгандан бошлаб, мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлидан бормоқда. Бу йўлда инвестиция сиёсатининг аҳамияти жуда катта. Чунки инвестициялар иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар, техник ва технологик янгиланишлар, корхоналарни қайта таъмирлаш ишларини амалга оширишни рағбатлантиради, мамлакат экспорт ва импорт салоҳиятини оширишга имкон яратади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон ўз тузилмавий инвестиция сиёсатини олиб бормоқда (1-расмга қаранг).



2-расм. Ўзбекистон Республикасининг тузилмавий инвестиция сиёсати⁴

⁴ Муаллиф томонидан мустақил тузилди.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”ни амалга ошириш доирасида инвестиция муҳитини яхшилаш йўли билан минтақа ва тармоқларга хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устуворликларидан бири сифатида белгиланган. Ушбу мақсадга эришиш учун республикадаги инвестиция муҳитини ҳар томонлама баҳолаш, тўғридантўғри хорижий инвестициялар оқимига тўсқинлик қилувчи муаммоларни аниқлаш ва илғор хориж тажрибасини ўрганиш йўли билан мамлакатдаги инвестиция сиёсатини такомиллаштириш йўллари аниқлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури бу - давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукамал ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури – ички ва ташқи сиёсатнинг умумий йўналиши ҳисобга олинган ижтимоий-иқтисодий ва хусусий хўжалик қарорлари мажмуаси бўлиб, маблағлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакат ичига ва хорижга киритилган сармояларнинг йўналиши ва жойлашувини белгилайди. Ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсиши, иқтисодий ўсиш суръатлари, моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатининг кўтарилиши ва бутун инфратузилмасининг ривожланиши кўп жиҳатдан инвестиция ва инвестиция дастурига боғлиқ. Инвестиция дастури давлатнинг инвестиция маблағларини мамлакатда моддий бойликлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун сафарбар қилиш вазифасидан иборатдир. Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан давлат сиёсатининг бу соҳаси унинг тегишли идоралари томонидан ушбу сиёсатнинг мақсад ва вазифалари амалга ошириладиган фаолиятдир. Инвестиция дастурининг ташқи томони ҳам бор бўлиб, у иқтисодиётни замонавий техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида жадал ривожлантириш вазифасини ҳал этиш учун иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб этишни ўз ичига олади. Бу вазифани қўшма корхоналар барпо қилиш, яъни тўғридан-тўғри хорижий хусусий инвестициялардан фойдаланиш йўли билан ҳал этиш мумкин. Шу муносабат билан хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари долзарб боради. Аниқ, самарадор ва ҳаётий риоя қилинадиган қонунларига эга бўлган очиқ ва либерал инвестиция дастури хорижий инвестицияларни жалб этишнинг қудратли қуролидир. Бундай сиёсатни ишлаб чиқиш республиканинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. О.О.Худоёров (2022). ҲАЛҚАРО ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЙЎЛИДАГИ ТАЖРИБАЛАРИ. Newjournal.org часть №6 ст.51.
<http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/994/847>
2. Ойбек Одилович Худоёров. (2016) The role of internal audit and internal control in banking sector. Молодой ученый. часть №9. ст 739-742.
<https://www.elibrary.ru/item.asp?id=25964274>
3. О.Худойоров (2017). Importance of credit risk management in banks. Экономика и бизнес: теория и практика. часть №5. 242-244.
<https://cyberleninka.ru/article/n/importance-of-credit-risk-management-in-banks>
4. [O. Khudoyorov, N Ernazarov \(2020\). Operating banks operations with foreign options and futures of foreign banks: Foreign experiences and their features - Journal of Critical Reviews, https://www.elibrary.ru/item.asp?id=43264712](https://www.elibrary.ru/item.asp?id=43264712)
5. Мусахонзода Икромжон Собирхон ўғли. (2023). Молиявий натижаларда шакллантиришда трансакцион харажатлар, муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 30–35. Retrieved from
<http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2780>
6. Musahonzoda, I. (2019). About organization of additional vocational training of accountants. Humanitarian and SocioEconomic Sciences Journal, (2), 30-34.
https://www.elibrary.ru/download/elibrary_38230413_58575723.pdf
7. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev, (2022). Moliyaviy hisob. (Darslik). ISBN 978-9943-8915-9-3, UO‘K: 657(075.8)
8. Назарова Муслима Назаровна. (2022). Нобанк кредит ташкилотларининг ҳуқуқий асослари. Journal of New Century Innovations, 10(2), 48–54.
<http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/985>
9. [Мусахонзода, И. \(2022\). Корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизими ва уни ҳозирги ислохотлар шароитида такомиллаштиришнинг зарурлиги. Архив научных исследований, 2\(1\). извлечено от http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1969](http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1969)
10. Қличев Б.П. (2022). Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. “Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар”, ISSN: 2181-0567, 4 (20)-сон, 170-175, УЎК: 338.4 (575.1)
<https://ifmr.uz/journals/18>
11. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). Вопросы совершенствование учета корпоративных облигации: обязательство или капитал. In Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции (pp. 146-154).

12. Адашалиев, Б. (2022). Ўзбекистонда корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий ҳисоботининг халқаро стандартларига ўтишининг долзарб масалалари. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1127>
13. ХУДОЁРОВ О.О. (2023). Банк тизимини рақамлаштириш шароитида рақамламчи банк технологиларини жорий қилиш. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 99–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2788>
14. Klichev, V.P., Tulaev, M.S. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591
<https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8>
15. Фарходовна Ирода Урманбекова. (2023). Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида электр энергия ишлаб чиқарувчи корхоналарда харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг мақсад ва вазифалари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 91–98. retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2787>
16. Салимов Шерзод Бахтиёрович. (2023). Ўзбекистон стратегик мақсадлар сари ривожланишда. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 60–71, retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2784>
17. О. Бозорова. (2023). Давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш йўналишлари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 24–29. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2779>
18. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилининг такомиллаштириш масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170 – 173, <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
19. Тулаев, М. (2021). [Аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувини ташкил қилиш масалалари. Архив научных исследований, 1\(1\).](http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1127)
20. Yuldashev, J. A. (2022). Mechanisms of Customer Attraction Based on Marketing Strategies in Commercial Banks. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 2(10), 25–32. Retrieved from <http://www.inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/1313>
21. Юлдашев, Ж. (2021). Совершенствование методики оценки состояния отношений с клиентами в коммерческих банках. Экономика и

- инновационные технологии, (3), 233–244. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11885
22. Тулаев, М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. Экономика и инновационные технологии, (5), 52–60. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137
23. Назарова Муслима Назаровна. (2023). Ломбардлар фаолиятининг замонавий ҳолати таҳлили. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 50–59. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2783>
24. СУЛТАНОВ, М., & АДАШАЛИЕВ, Б. В. (2021). Фонд бозори савдолари фаоллигини оширишда молиявий саводхонликнинг ўрни. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/384>
25. Nazarova, M. N. (2023). Legal Framework for Microcredit Organizations in the Republic of Uzbekistan and Analysis of Their Current State. Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN, 2249(0892). http://www.ajtmr.com/papers/Vol12Issue2/Vol12Iss2_P4.pdf
26. Урманбекова, И. Ф. (2023). Электр энергияси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва унинг муқобил манбаларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш йўллари. O‘zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 2(15), 317-322.
27. Салимов, Ш. (2021). Технопарк – фактор инновационного развития малого и среднего бизнеса. Экономика и инновационные технологии, (3), 106–115. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11872
28. Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>
29. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI). Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587- 4593.- <https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/4494>
30. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализлари смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш. Образование наука и инновационные идеи

- в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>
31. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823
32. Ф.Қ.Бобохўжаева. (2022). Банкларнинг иқтисодий ривожланишида маркетингнинг ўзига хос муҳим жihatлари. Eurasian journal of law, finance and applied sciences, 2(13), 156–159. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7466722>
33. Ф.Қ.Бобохўжаева. (2023). Банк ва мижоз ўртасидаги иқтисодий муносабатларда маркетингнинг ўрни ва ахамияти. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 121–127. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2790>
34. Бозорова, О. (2022). Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг ахамияти. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1084>
35. Тулаев Мирзакул Саламович. (2023). Ижара олинган асосий воситалар ҳисоби – молиявий фаолиятни молиялаштириш манбаси. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 3–15. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2777>
36. Бозорова, О. (2022). Баланс ликвидлигини таҳлили. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1355>